

## ОҒИР ДАРАЖАЛИ ГИПОКСИЯДАН КЕЙИН ИНФЕКЦИОН ЯЛЛИҒЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Эгамов Б

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7456157>

Кўпгина йиллар давомида гипоксия ҳолатида организмда кечадиган морфофункционал ўзгаришлар кўплаб ҳайвонларда тажрибада ўрганилган (Безруков В.В., 2012, Kumar S. et al., 2014, Каркищенко Н.Н., 2017). Аммо адабиётларда критик гипоксиядан кейин юзага келадиган функционал бузилишлар, инфекциян жараёнлар кечиши, иммун тизими ҳолати кам ўрганилган. Бу ҳолатни ўрганиш постреанимацион ва асфиксиядан кейинги даврларда кузатиладиган яллиғланиш жараёнларни англашга катта ёрдам беради. Шу жихатда биз оғир гипоксиядан кейин инфекциян яллиғланиш морфогенезини ҳамда иммунреактивлик ҳолатини ўрганишни текшириш мақсади қилиб олдик.

Тажриба материали сифатида текшириш 60 та оқ эркак наслсиз каламушларда ўтказилди. 50 тасида касаллик келтириб чиқарилди. 10 таси назорат груҳига олинди. Гистологик, морфометрик, бактериологик текшириш усуллари ўтказилди. Каламушлар оғир даражали гипоксия ҳолатига туширилгандан кейинги биринчи, учинчи, бешинчи кунларида инфекциян яллиғланиш каламуш сон соҳасига 1 млда 1 млрд. патоген стафилококк тутувчи мухит юборилди. Текшириш бир кундан 30 кунгача давом этди. Қўзғатувчи юборилгандан кейин 5 кундан яллиғланиш яққол намоён бўла бошлади. 7 – кунда диаметри 5-7 см бўлган некроз соҳалари кузатилди. Некроз тўқимада микроорганизмлар колоннасини кузатиш мумкин. Моноцитларнинг макрофагал трансформацияси камайганлиги кузатилди. Грануляциян тўқима секин пайдо бўла бошлади. Мушаклар орасида полиморф ядроли лейкоцитлар кузатилди. Тажрибанинг охириги кунларида касаллик қўзғатувчиси яллиғланиш зоналаридан ташқари кўпгина ички аъзоларда ҳам кузатилди.

Иммун тизимининг перефирик ва марказий аъзоларида дастлаб гиперплазия кузатилди, аммо кейинчалик дархол периферик лимфоид аъзолар В – зоналарининг бўшаб қолганлиги аниқланди. Тимуснинг эса оғир акцидентал инволюцияси кузатилди.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики инфекциян яллиғланиш жараёнлари оғир даражали гипоксия ўтказганларда оғирроқ кечар экан. Бунда альтерация компонентларининг устун келиши,

микроорганизмларнинг яллиғланиш ўчоғида дадил кўпайиши, антибактериал резистентлик камайишидан далолат беради.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**